**БАЁЗ -** (арабча - оклик) шеърлар тўплами. Баёзлар одатда икки ёки ундан ортик шоирлар шеърларидан ташкил топади. Баёзлар асосан машхур шоирларнинг лирик асарларидан тузилган. Баёзлар маълум бир гоя ёки муайян дунёкарашни ташвик ва таргиб килмайди, умуман сайлаб олинган асарларда даврийлик хам бўлмайди. Кимнинг шеъридан канчалик киритиш баёз тузувчининг хохишига боглик бўлган. Баёзлар сарбаёз (сўз боши), лирик шеърлар (асосий кисм), хотима ва иловадан ташкил топади. Айрим баёзларда асарлари киритилган шоирлар номи мундарижа сифатида берилади. Бу хил тўпламлар муаллифларнинг ўзи ёки адабиёт ихлосмандлари ва хаттотлар томонидан тузилиб, адабиёт таргибида мухим вазифа бажарган.